

“Асакадонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2018 йил молиявий хисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказилиши юзасидан

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ҲУЛОСАСИ

Текшириляётган корхона тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Асака тумани Саноатчи кўчаси -86 уй.

ИНН- 200 244 498

ОКОНХ- 19211

Ҳисоб рақами: 20208000900201667001 ОАТВ “Агробанк” Асака филиали (МФО-00033)

Телефон:

Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси 18-уй

ИНН-206 952 776

ОКОНХ-84400

Ҳисоб рақами 20208000204708021001, ХАТБ “Даврбанк” Чилонзор ф-л (МФО-01046)

Телефон: Факс: 998 71 250 60 71, электрон почта: israilova-d@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 28 февраль куни 371-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2010 йил 18 май куни 00718-сонли лицензия берилган

Ташкилот раҳбари Назиркулов Фахридин Козимжанович 2018 йил 12 июлда берилган 05553-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга

Хулосанинг асосий ва якуний қисми

Мен, МЧЖ шаклидаги “Iqtidor-Audit-Inform” аудиторлик ташкилоти аудитори Ф.К. Назиркулов (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2018 йил 12 июлда берилган 05553 - рақамли аудиторлик малака сертификатига эга) ўзаро тузилган шартномага асосан “Асакадонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг 1-шакл “Баланс”, 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисобот, 4-шакл “Пул оқимлари тўғрисида” ги ҳисобот, 5-шакл “Хусусий капитал тўғрисида” ги ҳисоботдан иборат 2018 йил молиявий ҳисоботларини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги: “Асакадонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ 2018 йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларининг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги: Берилган аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси учун аудит ташкилоти жавоб беради. Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, “Асакадонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жihatлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий андозалари (АФМА) талабларига мувофиқ ўтказилди. АФМА молиявий ҳисоботларни жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр: Бизнинг фикримиз бўйича, “Асакадонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2018 йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жihatлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ҳамда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги “Iqtidor-Audit-Inform”

аудиторлик ташкилоти

раҳбари:

Ф.К.Назиркулов

Аудитор:

Ф.К.Назиркулов

Берилган сана 11 март 2019 йил